



" 29 " декабрь 2010 у. № ДС/31-01/1-34-13/1186

" \_\_\_\_\_ " \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ у. № \_\_\_\_\_

Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича  
Ҳазначилик бошқармаларига  
Молия вазирлиги Ҳазначилиги  
Амалиёт бошқармасига

Нусхаси:

Қорақалпоғистон Республикаси,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия  
бошқармаларига

Молия вазирлиги Ахборот ҳисоблаш  
марказига

Бюджетдан маблағ олувчиларга

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги 2010 молия йилини яқунлаш ва 2011 молия йилини бошлаш билан боғлиқ юзага келаётган айрим саволларга изох тариқасида қуйидагиларни маълум қилади.

“Банк-Ҳазначилик” дастурий мажмуига уланган ҳудудларда 2011 молия йилида янги ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларига 2010 молия йилига тегишли даромадлар келиб тушган ҳолларда (фақатгина 2010 йилнинг 31 декабр ҳолатига транзит (23402, 23403) ҳисобварақлардаги қолдиқ маблағлар бўйича), ушбу тушумлар эски молия йилига олиб борилади. Бунда ушбу тушумлар янги ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақлардан эски ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларига кўчирилади ва янги ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақдан кўчириладиган маблағлар янги молия йилида “бюджет даромадларини қайтариш”, ушбу маблағлар эски ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларга тушганда эса “бюджет даромадлари” сифатида қабул қилинади.

Янги молия йилида бюджетдан маблағ олувчиларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун бюджет тушумлари етарли бўлмаган ҳолларда 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига бюджет маблағлари қолдиғи янги ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларига кўчирилмайди.

2011 йилнинг 1 январ ҳолатига бюджет маблағлари қолдиғи 2010 молия йили бўйича якуний операциялар амалга оширилгандан сўнг, 2011 йил 25 январда эски ғазна ҳисобварақлардаги барча қолдиқлар билан биргаликда янги ғазна ҳисобварақларга кўчирилади.

Давлат мақсадли ва бошқа жамғармаларнинг “Банк-Ҳазначилик” дастурий мажмуи билан ишлаётган ғазна ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиқларини 2010 йилнинг 31 декабр банк куни яқунланиши билан уларга очилган тегишли янги ғазна ҳисобварақларига ўтказилади.

2010 молия йилига қўшимча вақт даврида бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари бўйича 2010 молия йилига тегишли иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари (ва уларга тааллуқли операциялар) 2011 йил 10 январгача амалга оширилади. 2011 йил 10 январ бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини нақд пулда бериш учун очилган махсус банк ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари бўйича маблағлар қолдиқлари тегишли ғазначилик бўлинмаларининг эски ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларига қайтарилади.

Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича нақд пулда бериш учун очилган махсус банк ҳисобварақларидаги 2010 молия йилига тегишли иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар қолдиқлар 2010 йил 31 декабрда эски ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларига қайтарилади. Бунда, бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича қайтарилган маблағлар уларнинг янги шахсий ҳисобварақларига ўрнатилган тартибда 2011 йил 1 январдан 10 январгача кўчирилади.

Ғазначиликнинг Амалиёт бошқармаси ҳамда ҳудудий ғазначилик бўлинмалари бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича қолдиқларини бюджет ташкилотларининг тўлов топшириқномаларига асосан ўрнатилган муддатда ҳар бир шахсий ҳисобварақ бўйича алоҳида тартибда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича очилган янги шахсий ҳисобварақларига ўтказадилар.

Бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича қолдиқларини эски ҳудудий (республика) ғазна ҳисобварақларидан янги ғазна ҳисобварақларига ўтказишда “Ғазначилик” дастурида 028 – 018 “касса харажати” ўтказмаси (проводка) танланади.

Бунда, тўлов топшириқномаларининг тўлов мақсадида бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича очилган **“янги шахсий ҳисобварақ”**и ҳамда **“тегишли бюджетдан ташқари маблағларнинг қолдиғи кўчириляётганлиги”** кўрсатишлари лозим.

Ғазначилик бўлинмаларида бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича янги шахсий ғазна ҳисобварақларига кирим қилишда қуйидаги бухгалтерия проводкалари амалга оширилади:

- Бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларга ижтимоий тўловлар бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини (маблағ манбаси 4002..) қабул қилиб олишда 018 – 098 “қолдиқ маблағларни кирим қилиш”;

- Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларини (маблағлар манбаси 4001..., 4003..., ... 4010..., 4999... ва х.к.) қабул қилиб олишда 019 – 099 “қолдиқ маблағларни кирим қилиш”.

2011 йилда бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар фақат янги шахсий ҳисобварақлардан амалга оширилади.

Мазкур хат талаблари ижроси устидан назорат тегишли ғазначилик бўлинмалари раҳбарлари зиммасига юклатилади.

**Ғазначилик бошлиғининг  
биринчи ўринбосари**

 **Д. Саттаров**